

А Ж Р И М

(юклатилган мажбуриятларни олиб ташлаш ҳақида)

2022 йил июль ойининг 29 куни жиноят ишлари бўйича Қизириқ туман суди, ўз биносида очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси О.Каримов, судья ёрдамчиси Х.Абдусаломованинг котибалигида, Қизириқ туман прокурорининг ёрдамчиси О.Хайитов, Қизириқ тумани ИИО Пробация гуруҳи катта инспектори У.Болтаев ва маҳкум А.Бобомуратовнинг иштирокида, Қизириқ туман ИИБ бошлиғининг маҳкум Бобомуратов Азаматжон Алишер ўғлига нисбатан юклатилган мажбуриятларни олиб ташлаш ҳақидаги тақдимномаси кўрилди. Иш ҳужжатларига кўра:

Бобомуратов Азаматжон Алишер ўғли, 2003 йил 25 июнь куни Сурхондарё вилояти Қизириқ туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам

жиноят ишлари бўйича Қизириқ туман судининг 2021 йил 23 декабрь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартли ҳисобланиб, 1 йил синов муддати белгиланган, ўталмаган синов муддати 5 ойни ташкил этади, ишламайди, Қизириқ тумани, “Такия” маҳалласида яшайди.

Суд Қизириқ туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлари билан биргаликда кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Қизириқ туман судининг 2021 йил 23 декабрь кунги ҳукмига кўра, А.Бобомуратовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартли ҳисобланиб, 1 йил синов муддати белгиланган, ўталмаган синов муддати 5 ойни ташкил этади.

Суд ҳукми билан, А.Бобомуратовнинг зиммасига иш ва яшаш жойи ўзгарган тақдирда ИИБга хабар бериш, ҳар ойда икки марта ИИБдан рўйхатдан ўтиб туриш каби мажбуриятлар юклатилган.

Тақдимномада маҳкум А.Бобомуратов Қизириқ тумани ИИБ Пробация гуруҳи ҳисобида туриб, жазони ўташда ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарганлиги, синов муддати даврида суд томонидан



юклатилган мажбуриятларни бузмасдан жазо ўтаганлиги, ўз вақтида рўйхатдан ўтиб турганлиги, содир этган жиноятдан пушаймонлигини, маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортилмаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси 5-қисмига асосан юклатилган барча мажбуриятлардан озод қилишни сўраган.

Суд, тақдимномада келтирилган важларни ўрганиб чиқиб, тарафларнинг тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, илова қилинган ҳужжатларни текшириб, тақдимномани қаноатлантиришни лозим топади.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси 5-қисмида, ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органнинг тақдими билан суд синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши ҳам мумкинлиги белгиланган.

Суд, маҳкум А.Бобамуратов ИИО пробация гуруҳи ҳисобида туриб, жазони ўташда ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарганлиги ва жамоат ишларда фаол иштирок этаётганлиги ҳамда шу даврда маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортилмаганлигини инобатга олиб, уни юклатилган мажбуриятлардан озод қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси ва ЖПКнинг 536-моддасига асосан, суд

а ж р и м қ и л а д и:

Қизириқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Жиноят ишлари бўйича Қизириқ туман судининг 2021 йил 23 декабрдаги ҳукмига кўра, маҳкум Бобамуратов Азаматжон Алишер ўғлига юклатилган иш ва яшаш жойи ўзгарган тақдирда ИИБга хабар бериш, ҳар ойда икки марта ИИБдан рўйхатдан ўтиб туриш каби мажбуриятлари олиб ташлансин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида, Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришга ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо

О.Каримов

Аслига тўғри

О.Каримов



Ҳужжат имзоланган: Каримов Отабек Жўраевич, 01.08.2022

